

УДК:633.3

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИДА ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

қ.х.ф.д: **Хошимов Иброхимжон Набиевич**

докторант: **Худойбердиева Шахнозахон Давлатовна**

Андижон вилояти, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинлар экилиши натижасида бир мавсумнинг ўзида бир гектар майдонда 5-6 тонна миқдорда органик қолдиқлар тўпланади. Бу эса, ўз навбатида, тупроқдаги чиринди миқдорининг 80-85 кг/га, азотнинг 55-60 кг/га, фосфорнинг 15-20 кг/га, калийнинг 55-60 кг/га ошишини таъминлаб, келгуси мавсумда экинларни етиштириш учун сарфланадиган йиллик азотли ўғитлар миқдорини 25-30 фоизга, калийни 45-50 фоизга камайтириш имконини беради.

Калит сўзлар: тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлиги, тупроқнинг тузилиши, сув-физик, физик-кимёвий хоссалари.

Республикада шамол эрозиясидан (экин экиладиган ҳудудларда) 1812 минг, сув ва шамол эрозиясидан 1929 минг гектар ерлар зарар кўради. Шамол эрозияси (дефляция жарраёнлардан) натижасида тупроқнинг энг унумдор қисми шамол орқали учиб, бошқа ерларга, шамол кучи пасайган ерларга олиб бориб ташланиш оқибатида ерларни унумдорлиги пасайиб экинлар ҳосилдорлигига жиддий зарар етказди. Бу турдаги майдонлар Марказий Фарғонада жойлашган вилоятларда 100 минг гектардан ортиқ майдонни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, “Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий етиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4575-сонли, 2020 йил 11 май “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4709-сон қарорларида Республикамизда олиб борилаётган қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самарасини янада ошириш, соҳани барқарор ҳамда жадал суръатларда ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Шамол эрозиясига учраган, унумдорлиги паст ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ер, сув, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш талаб етилади. Қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда қўлланиладиган барча агротехник тадбирлар биринчи навбатда тупроққа таъсир этади. Натижада тупроқнинг тузилиши, сув-физик, физик-кимёвий хоссалари, унумдорлигига таъсир етиши, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлигини белгилайди. Дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш борасида республикамизда қулай тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили бошоқли дон экинларидан бўшайдиган бир миллиондан ортиқ суғориладиган майдонларида 120-130 кун давомида такрорий экин сифатида

маккажўхори, мош, соя, шоли, тарик, кунжут, ем-хашак экинлари, картошка ва турли хил сабзавотлар экилиб, бир йилда икки мартагача юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятлари мавжуд.

Республикамиз шароитида кузги буғдойдан 60-70 ц/га, такрорий экин сифатида етиштириладиган мош экинидан эса 15-20 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, бир мавсум давомида етиштириладиган дон ҳосилини 75-90 ц/га етказиш имкониятлари мавжуд. Ер юзида дуккакли-дон экинлари 135 млн.гектар майдонга экилади. Дуккакли-дон экинлари орасида мош экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан жаҳонда соядан (дунё бўйича соя майдони 74 млн гектарга яқин) кейин иккинчи ўрин (25 млн гектарга яқин) ни эгаллаб, учинчи ўринда нўхот (дунёда жами 10 млн гектарга яқин) туради.

Такрорий экинлар етиштириш эса ҳозирда тупроқ унумдорлигини оширибгина қолмай эррозияга учраган тупроқларни мустаҳкамлаб яхшилайтиди. Ҳамда такрорий экинлар экилганда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига тупроқда кўп миқдорда органик қолдиқлар қолдирадиган ҳамда унинг унумдорлигини тиклайдиган такрорий экинларни экиш мақсадга мувофиқдир. Кузги буғдой анғизига экиладиган бу экинлар ўтмишдош экин сифатидаги ғўза ва кузги буғдойга мос, тупроқ унумдорлигини оширадиган, чорва учун тўйимли ем-хашак бўла оладиган дон, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинлари бўлиши мумкин. Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экинлар экилиши натижасида бир мавсумнинг ўзида бир гектар майдонда 5-6 тонна миқдорда органик қолдиқлар тўпланади. Бу эса, ўз навбатида, тупроқдаги чиринди миқдорининг 80-85 кг/га, азотнинг 55-60 кг/га, фосфорнинг 15-20 кг/га, калийнинг 55-60 кг/га ошишини таъминлаб, келгуси мавсумда экинларни етиштириш учун сарфланадиган йиллик азотли ўғитлар миқдорини 25-30 фоизга, калийни 45-50 фоизга камайтириш имконини беради. Ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдой дон ҳосилдорлиги 15-20 фоизга, ғўза ҳосилдорлиги 10-15 фоизга ошади. Такрорий экинлар турларига қараб дуккакли дон (мош, ловия, соя, ясмиқ, бурчоқ), дон (шоли, тарик,

маккажўхори, оқ жўхори, қанд жўхори, маржумак), мойли (зиғир, ерёнғоқ, соя, кунжут, кунгабоқар), илдиз ва туганак мевали (қанд лавлаги, хашаки лавлаги, ош лавлаги, сабзи, турп, шолғом, картошка ваҳ.к.), ем-хашак (маккажўхори, жўхори, судан ўти, қўноқ ва ҳ.к.), сабзавот (ка-рам, бодринг, қовун, тарвуз, помидор, патисон ва х.к.) экинларга бўлинади. Улар тақрорий экин сифатида етиштирилганда бир йилнинг ўзида бир майдондан 2-3 марта ҳосил олинади, чорва учун тўйимли озуқа баъзаси яратилади, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга шароит яратилиб, тоза экологик муҳит вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Атабаева, З.Умаров, Х.Буриев ва бош.-Ўсимликшунослик-Т.Мехнат, 2000
2. 100 китоб тўплами. Соя ва махсар етиштириш. Нашриёт уйи “Тасвир” Тошкент – 2021
3. Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н. ва бошқалар. “Соя экинини етиштиришни биласизми” ТошДАУ таҳририят нашриёт бўлими, Тошкент-2017.

